

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ КЎНИКМАЛАРИН
 ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Убайдуллаева Миригул

*Нукус шаҳри, 16-сонли мактаб қорақалпоқ
 тили ва адабиёти фан ўқитувчиси.*

Бўлажак ўқитувчи педагогик муносабатларга тайёр бўлиб, ким билан, қаерда, қандай, қай мақсадда нимани гапиришини ва нима қилишини яхши билиб олган, муносабати бўйича суҳбатдошларига тегишлича таъсир кўрсатиб, яхши таассурот қолдиргани ҳолда керакли масалани, керакли саволни тушунтириб бериши керак. Шунда талабаларга инсонни кузатишда ундаги коммуникатив кўникма ва маҳоратлар ривожланганлиги ҳақида тўлиқ ва фойдали маълумотларни бера оладиган муносабатларнинг одатий вазиятларини **(1-жадвал)** таклиф этиш мумкин. Қуйида аниқ кўникмаларга эга бўлган индивиднинг у ёки бу вазиятларда ўзини қандай тутишига оид мисоллар келтирилган (шеригининг гапига кўра, у нима, деб жавоб беради).

1-жадвал

Коммуникатив вазиятларда суҳбатдошларнинг керакли кўникмаларни ишлатиш намуналари

Ижтимоий-руҳий вазиятнинг хусусиятлари	Маҳорат ва кўникмаларни яхши эгаллаган инсон коммуникатив вазиятларда, одатда, ўзини қандай тутади	Коммуникатив вазиятларда муносабат бўйича шеригига тўғри вербал мурожаат этишга мисоллар
1	2	3
Бирор-бир илтимос билан мурожаат этиш	Шеригидан тортинмасдан, одоб билан ўз илтимосини тўғри айтиш	«Агарда сиз менга ана шу масалани ҳал этишда ёрдам берсангиз, жуда миннатдор бўлган бўлар эдим»
Сиздан илтимос қилганларида рад жавобини бериш	Хушмуомалалик билан, сабабини тушунтириб, илтимосни бажара олмаслигини тўғри ва аниқ айтиш	«Мен сизни тушунаман, лекин сизнинг илтимосингизни бажара олмайман...»
Мақташ, маъқуллаш	Суҳбатдошга муносабати яхшилигини билдирувчи, юзида табассум билан унга ёки у бажараётган иш хусусида ўз фикрини тўғри айтиш	«Бу ишингиз менга ёқди», «Мен сизга қойил қолдим», «Сизнинг бу хислатингиз айниқса менга ёқади»
Танқид ёки маъқуллаш фикрини	Унинг қилган ишидан норози эканлигингизни тўғри, аниқ, лекин	«Афсуски, мен сизнинг бу фикрингизга қўшила

билдирган инсонни айблаш	мулойимлик билан айтиш	олмайман», «Мен сизнинг бу ишингизни тўғри, деб ҳисобламайман, чунки...»
Фикрни тушуниш, лекин уни қабул қилмаслик, маъқулламаслик	Суҳбатдошнинг фикрлаш ҳуқуқини тан олиб, у фикрларга ё қўшилади ёхуд қўшилмайди	«Сизнинг фикрингиз менга тушунарли, у балки тўғридир». «Мен сизнинг бундай қилганингизни тушунаман, лекин тўғри, деб ҳисобламайман». «Сиз қилган ишни нотўғри, деб ҳисоблайман».
Ўз фикрини айтишни қилиб, этиш	Муҳокама этилаётган масала бўйича суҳбатдош фикрини билиш учун унга мурожаат этиш	«Мен мана шу масала бўйича сизнинг фикрингизни билишни истардим»

Инсон фикр-мулоҳазаларини, нутқини баҳолашда, сўзининг маъно ва мазмунини англашда гап оҳанги, имо-ишора ва хулқнинг бошқа новербал шакллари ёрдам беради. Албатта, нутқнинг ушбу қўшимча воситалари коммуникатив вазифани бевосита нутққа нисбатан камроқ даражада бажаришади. Лекин нутқий муносабатда уларнинг ўрни жуда муҳимдир.

Муносабатлар жараёнидаги нутқнинг новербал таркибий қисмларини баҳолаш эканмиз, бўлажак ўқитувчининг нутқи ҳажм жиҳатидан қай даражада бўлиши муайян аҳамият касб этади. Одатда, фикрни ифода этиш учун кўп ёки кам, қисқа гапириш етарли ҳисобланади. Айтиш пайтда, бўлажак ўқитувчи муҳокама этилаётган масалага ўзининг муносабатини билдириб, фикрини аниқ ифода этаётганда зарур тўхтамлар қилиши, суҳбатдошини диққат билан тинглаши (гапидан тўхтаб, суҳбатдоши гапираётганида уни эшита олиш қобилияти), гапириш оҳанги (мақсадга мувофиқ оҳангда, суҳбатдошининг шахсий, индивидуал хусусиятларига мос оҳангда гапириши), гапининг мантиқан тўғрилиги, асослилиги, овозининг ишончлилиги (суҳбатдошини ўз гапларига ишонтира олиш кўникмаси) сингари шахсий-индивидуал хусусиятларини намоён эта билиш салоҳияти ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида доимо руҳий масофа мавжуд бўлишини, улар муносабатларнинг хусусиятларини ва шахсий, эмоционал алоқаларни белгилашини эсда сақлаш керак. Аксар бўлажак педагоглар ўқувчилар билан муносабатда бўлишни фақатгина машғулотлар пайтида ўқувчиларга мавзунини етказиш ва тушунтириб бериш, деб ўйлашади. Ўқитувчининг ўқувчилар билан муносабатда педагогик маҳорати мавжудлиги қуйидагиларни назар тутаяди:

1. Болани тўғри тушуниш маҳорати, нарсаларни унинг кўзи билан кўриш.
2. Болада тенг ҳуқуқли шахсни кўра билиш.

3. Ўз-ўзига танқидий муносабатда бўлиш ва ўқувчилар томонидан айтилган танқидий фикрни очиқ тан олишга тайёр бўлиш.
4. Алдамай, айёрлик қилмай ҳар доим, ҳар ерда фақат ҳақиқатни гапириш.
5. Ўқувчиларга зарур педагогик таъсир кўрсата олиш.
6. Ҳазилни тушуниш.
7. Айтган сўзининг устидан чиқиш.

АДАБИЁТЛАР:

1. Крутецкий В.А. Педагогик психология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.- 300 с.
2. Зимняя И.А. Педагогическая психология: Учеб. пособие. – Ростов-на-Дону: Феникс, 1997. – 480 с.